

**КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ
ЕТИШ БЎЙИЧА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

Боймуродова Нозима Халилжон қизи
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
316-гуруҳ курсанти

Annotatsiya: Мақолада профилактика инспекторларининг асосий вазифалари, шу жумладан, жиноятчиликка қарши кураш, криминоген вазиятни таҳлил қилишга доир фаолиятлари кўриб чиқилади. Шунингдек, бириктирилган ҳудуддаги криминоген вазиятни таҳлил қилиш фаолиятини ташкил этиш бўйича илгор хорижий тажрибанинг аҳамияти таҳлил этилади. Олимлар томонидан илгари сурилган ва илмий ёндашувлар орқали, бу тизимларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун ўзаро ҳамкорликнинг зарурияти ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашдаги муҳим ўрни кўрсатиб ўтилади.

Аннотация: Определены сопутствующие задачи инспекторов-профилактиков, в том числе борьба с преступностью, расследование криминогенных ситуаций. Комплексный анализ криминогенной ситуации в Кудуде, анализ связанных с этим установок общества. Учёные прошли отдельное обучение в области науки и техники, что показало важность обеспечения сохранности и защищенности этих систем и важность обеспечения общественной безопасности.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, криминоген, криминоген вазият, криминоген вазиятни таҳлил этиш, маъмурий ҳудуд, ҳуқуқбузарлик, маҳалла, хорижий тажриба.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратилмоқда. Чунки Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор. "Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир".

Турли далаатларда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти турлича йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимиз жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир.

Россия федерациясида ички ишлар органлари тизими милициядан полицияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари "полиция участка пунктлари" сифатида номлана бошлади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда полиция участка нозирларнинг асосий хизмат вақти маъмурий ҳудудда утиши белгиланган бўлиб, улар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда тадбирлар

олиб бориш зурурат туғилганида полиция участка пунктларида фаолият курсатадилар.

Ўтказилган сотсиологик сўров натижаларидан маълум бўлишича, мамлакат аҳолисининг 70- фоизи ҳудудий яқинлиги ва тезкор ҳаракат қилиш имкониятини инобатга олиб, полиция участка нозирларига мурожаат этишни маъқул кўрадилар.

Шунингдек, Россия Федерациясининг бир қатор ҳудудий ички ишлар органлари тизимида полиция участка нозирининг ёрдамчиси лавозими мавжуд бўлиб, ушбу лавозимга қабул қилинган ҳар бир ходим туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғининг буйруғи билан муайян полиция участка нозирига бириктирилади ҳамда унинг раҳбарлигида хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш керакки, халқаро тажрибадан дунёнинг кўпгина мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фуқароларнинг имкониятидан фойдаланиш ижобий натижа бераётганлигини кўзатиш мумкин.

Масалан, жиноятчиликка қарши самарали курашиш мақсадида

Шодландия ва Швецияда фуқаролардан ташкил этилган "штатсиз ходим", Исроилда эса кўнгиллар фаолияти йулга қўйилган бўлиб, уларнинг хизмати олиб боришлари мазкур давлатларнинг қонун ва қонуности норматив ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Германия полициясининг аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва

хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи энг қуйи тузилмалари ҳам тартибни сақлаш пунктлари ҳисобланади. Улар турли жой-ларда турлича: « Бош полиция вахталари», «Полиция вахталари», «Полиция станциялари», « Полиция постлари», «Полиция инспекциялари» каби номланиши мумкин.

Ушбу тузилмалар ҳам, милиция таянч пунктлари сингари, кечаю кундуз фаолият кўрсатади.

Японияда полиция пост ва пунктларида хизмат олиб борувчи патруль-пост хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда ҳар бир оила, корхона, муассаса ва ташкилот билан иш олиб борган ҳолда доимий равишда патрулик қиладилар. Мамлакат қонунларида ҳар бир полиция ходимига ўртача 400 та оила тўғри келиши лозимлиги назарда тутилган.

Хизмат давомида патруль-пост хизмати ходимлари аҳоли ўртасида

ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказиб, уларни керакли ахборотлар билан таъминлайдилар, шунингдек жамоатчиликнинг полиция фаолиятига доир фикрини ўрганиб борадилар. Бундан ташқари, Японияда бутун мамлакат ҳудуди бўйича тарқалган ва таркибига фуқароларнинг ихтиёрий уюшмалари аъзоларини жамлаган «Полиция билан алоқа пунктлари» фаолият олиб боради. Ҳар бири 50 га яқин оилани қамраб олган бундай пунктлар сони Японияда тахминан 700 000 та.

Мамлакатимизда ҳам фуқаролардан ташкил топган жамоат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамкорлиги ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашда фуқаролар билан ишлашда профилактика инспекторининг фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши, жиноятчиликка қарши кураш самарали ташкил этилган. Криминоген вазият ҳақидаги маълумотларни маҳаллалар кесимида таҳлил қилиш электрон тизими яратилиб, ҳудудларни автоматик равишда “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратиш тартиби жорий

этилди. Ўрганиш жараёнида асосий эътибор маҳаллалардаги криминоген вазиятнинг ўзига хос ҳудудий ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
- 2) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
- 3) Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни
- 4) Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни
- 5) Ички ишлар органларининг профилактика хизматларининг жиноятларнинг олдин олиш фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш. Ўқув қуланма. Ж.С.Мухторов.
- 6) Т.П.Ахмедов. Ички ишлар органлари профилактика хизмати фаолиятини бошқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш Т 2004 й.